



№36 (889)

2025 йил 25 апрель,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
таклифига биноан
Туркман халқининг
миллий етакчиси,
Туркменистон Халқ
Маслаҳати Раиси
Гурбангули
Бердимухамедов
23-24 апрель кунлари
ташриф билан
Самарқанд шаҳрида
бўлди.**

Ташриф доирасида
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёев ва Туркман
халқининг миллий
етакчиси, Туркменистон
Халқ Маслаҳати
Раиси Гурбангули
Бердимухамедов тор
доирада ва расмий
делегациялар иштирокида
музокара ўтказди.

Ҳеч шубҳасиз, Туркман
халқи миллий етакчисининг
мамлакатимизга
ташриф ва давлатимиз
раҳбари билан ўтказган
самарали музокаралари
Ўзбекистон ва
Туркменистон ўртасидаги
стратегик шериклик
муносабатларини янада
ривожлантиришга ҳамда
азалий қардош ўзбек ва
туркман халқларининг
дўстона алоқаларини
муштақамлашга хизмат
қилши билан тарихий
аҳамият касб этади.

РЕНОВАЦИЯ ДАСТУРИ фаровонликка хизмат қилади



Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда аҳоли
сони ўсиб борар экан, бу уй-
жойларга бўлган талабни
ҳам оширади. Аммо бундай
катта қўламда қурилиш
қилиш учун ерлар чекланган.
Мана шундай ҳолатда эса
реновация дастури қўл келади.
Жорий йилнинг 9 апрель
куни Президент шаҳарсозлик
реновациясининг ҳуқуқий
асосларини белгилаш бўйича
таклифлар тақдими билан
танишди.

2-бет

Ички назорат бўлинмалари ходимларининг электрон реестри юритилади

Коррупцияга қарши курашни ҳар бир ходим, ташкилот
ўзидан бошлаши керак. Шунда жамият ривожига тўсиқ
бўлаётган бу иллатга барҳам бериш мумкин.

Ташкилотлардаги коррупцияга
қарши ички назорат бўлинмалари
фаолиятини кучайтиришга эътибор
қаратиётганининг боиси ҳам шунда.

Бу давлатимиз раҳбарининг жорий
йил 21 апрелдаги “Давлат органлари
ва ташкилотларининг коррупцияга
қарши ички назорат бўлинмалари
мушаккиллигини таъминлаш ҳамда
фаолияти самарадорлигини ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор
ида назарда тутилган.

Қарор ижроси бўйича Коррупцияга
қарши курашиш агентлиги томонидан
қандай ишлар амалга оширилди?

Агентлик Ҳисоб палатаси, Давлат
активларини бошқариш агентлиги
ҳамда бошқа масъул вазирлик ва
идоралар билан биргаликда ҳар йили
давлат органлари ва ташкилотларида
коррупцияга қарши ички назорат
бўлималари ташкил этилишини
мониторинг қилиб боради, – деди
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
директорининг ўринбосари Умед
Мавлонов ўзА мухбири Норгул Абду-
раимовага. – Мониторинг натижалари
бўйича Коррупцияга қарши курашиш
бўйича миллий кенгашга ахборот кир-
ритади.

Бу соҳадаги ишлар Президент қароридан
кейин кучайтирилмоқда. Ишлар
самарадорлигини ошириш
мақсадида 2027 йил 1 январгача Соғ-
лиқни сақлаш, Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги, Сув хўжалиги
вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз” ҳамда
“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамия-
тларининг коррупцияга қарши ички
назорат бўлинмалари қарбери лаво-
зимига Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги ходимлари тайинланади.

Ҳуқуқий эксперимент тарихида
жорий этиладиган бу тизимдан
қўзланган мақсад мазкур ташкилот-
ларнинг коррупцияга қарши ички
назорат тизими фаолиятини кучайти-
ришдир.

Агентлик мазкур ташкилотлар
билан биргаликда бир ой муддатда
коррупцияга қарши ички назорат бў-

лимаси ходимлари фаолиятининг
ҳуқуқий эксперимент доирасида энг
муҳим самарадорлик кўрсаткичлари
(КР)ни аниқлайди.

Ҳуқуқий экспериментнинг амалга
оширилиши бўйича ҳар ярим йилда
Коррупцияга қарши курашиш бўйича
миллий кенгашга ахборот кирити-
лади. Ҳуқуқий экспериментнинг на-
тижаларига қараб 2027 йил 1 январга
қадар ушбу тизимни бошқа давлат
органлари ва ташкилотларига ҳам
таتبик этиш юзасидан асослан-
ган тақлифлар тайёрланади.

Айни пайтда шу мақсадда Дав-
лат органлари ва ташкилотларининг
коррупцияга қарши ички назорат бў-
лималари тўғрисидаги намунавий
низом тайёрланмоқда.

Коррупцияга қарши ички назорат
бўлималари раҳбарлари ва ходим-
ларини лавозимга тайинлаш ва озод
этишни Агентлик билан келишиш
тартиби, Коррупцияга қарши ички
назорат бўлинмалари ходимлари фао-
лиятининг энг муҳим самарадорлик
кўрсаткичлари (КР)ни тасдиқлаш ва
баҳолаш тартиби белгиланмоқда.

Коррупцияга қарши ички назорат
бўлинмалари ходимларининг малака-
сини ошириш, уларни стажировка ва
аттестациядан ўтказиш тартиби тай-
ёрланмоқда.

Уч ой муддатда коррупцияга қар-
ши ички назорат бўлинмалари хо-
димларининг касбий стандартлари
ишлаб чиқилади ва белгиланган тар-
тибда тасдиқланади.

2025 йил 1 июлга қадар E-anticoguz
электрон платформасида коррупцияга
қарши ички назорат бўлинмалари
раҳбарлари ва ходимларининг элек-
трон реестрини юритиш йўлга қўйи-
лади.

Коррупцияга қарши ички назорат
бўлинмалари ходимлари фаоли-
ятини энг муҳим самарадорлик кўр-
саткичлари (КР) асосида баҳолаш
натижалари бўйича ҳар ярим йилда
Коррупцияга қарши курашиш бўйича
миллий кенгашга ахборот киритиб
борилади.

ЯНГИ ТОШКЕНТ ДИРЕКЦИЯСИДА турар жойлар қурилиши муҳокама қилинди

Янги Тошкент шаҳрида олиб
борилаётган кенг қўламда қурилиш
ва ободонлаштириш ишлари
доирасида кўп қаватли турар
жой мажмуаларини барпо этиш
лойиҳалари бўйича навбатдаги
муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Янги Тошкент дирекцияси раҳбарияти,
лойиҳа бошқарув мутахассислари ҳамда пудратчи
ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.
Йиғилиш доирасида амалга оширилаётган ва ре-
жалаштирилган қурилиш жараёнларига оид тар-
моқ жадваллари кенг муҳокама қилинди. Қури-
лиш ишларининг босқичма-босқич бажарилиши,
ресурслардан самарали фойдаланиш ва белги-
ланган муддатларга қатъий амал қилиш масала-
лари юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, дирекция томонидан лойиҳа
бошқаруви бўйича тажрибали мутахассислар
иштирокида қурилиш жараёнини янада самарали
ташкил этиш мақсадида зарур кўрсатмалар
ва амалий тавсиялар берилди. Объектларда ку-
рилатилган қурилиш жараёнларига оид тар-
моқ жадваллари ривож қилиш ва техник назоратни
кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар
белгилаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур учрашув қу-
рилиш жараёнларининг сифатли ва муддатида
бажарилишини таъминлашга, шунингдек, барча
иштирокчи томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик
ҳамда мувофиқлаштиришни янада кучайтиришга
хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖда “Вазиятлар маркази” ишга тушди



Севинч КАРИМОВА, ЎзЖОКУ талабаси.

Ўзбекистонда илк марта “Ўзбекгидроэнерго”
АЖда гидротехника иншоотларини рақамлаштириш
мақсадида хорижий давлатларнинг нуфузли
компаниялари ижобий тажрибаси асосида замонавий
ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида
гидротехника иншоотларининг хавфсиз ишлашини
таъминлашга қаратилган “Вазиятлар маркази” ишга
туширилди.

Марказни ташкил қилиш орқа-
ли жойлардаги тизимларнинг
узлуksиз ишлашини таъминлаш
бўйича жами 6 та сув омбори, 80
дан зиёд катта ва кичик ГЭСларни
ўз вақтида кузатиш ҳамда улар-
нинг фаолиятини таҳлил қилиш
имкониятлари яратилди. Хусусан,
Италиянинг нуфузли “SISGEO”
компаниясининг 1500 га яқин
замонавий, юқори аниқликдаги
қурилма ва жиҳозлари (датчик)-
лари объектларга ўрнатилган.

“Вазиятлар маркази” нафақат
Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта
Осиёда ҳам биринчи марта за-
монавий технологиялар асосида
ташкил қилинган марказ ҳисоб-
ланиб, уни ташкил қилишдан
қўзланган асосий мақсад, сув ом-
борларидаги гидротехник иншо-

отларнинг хавфсиз ишлашини
таъминлашдан иборат. Яна бир
муҳим жиҳат, амалга оширилган
барча рақамлаштириш ва авто-
матлаштириш чора-тадбирлари
асносида, республикада биринчи
марта маркази маҳаллий мута-
хассисларни жалб этган ҳолда, сув
омборлари учун “Хавфсизлик ме-
зонлари” ишлаб чиқилди. Бунда,
сув омборини хавфсиз ишлаши
бўйича мезоний кўрсаткичлар
белгиланди. Бутунги кунда сув
омборларида тўлиқ автомат-
лаштирилган тизим яратилди.

Булардан ташқари, ушбу мар-
каз фаолияти тизимдаги ГЭСлар
ҳамда сув омборлари жорий фао-
лиятини тўлиқ қамраб олган
рақамлаштириш жараёнини ўз
ичига олиб, электр энергия ишлаб

чиқариш, гидротехник иншоотлар
барқарорлиги ва хавфсизлигини
ишончи таъминлаш, иншоотлар
умумий эксплуатациясидаги бар-
ча технология ва техноген вазия-
тларни доимий кузатиб бориш,
марказлашган АСКУЭ тизими билан
интеграция қилиш, ГЭСлар
ва сув омборларида ўрнатилган
замонавий дастурий технология-
лар, илгор асбоб-ускуналар ва на-
зорат-ўлчаш қурилмалари орқали
автоматик равишда тизимли мо-
ниторингни олиб боришга мўл-
жалланган.

Шунингдек, жамият маъму-
рий биносида маълумотларни
қайта ишловчи марказ фаолияти
(ЦОД) йўлга қўйилди. Тизимда-
ги барча ГЭС ва сув омборларида
марказлашган IP-телефония ти-
зими фойдаланишга топшири-
либ, тизим корхоналарида интел-
лектуал видеокузатув тизимлари
барпо этилди. Корхоналар 1 000
дан ортиқ янги авлод камералари
белгиланди. Бутунги кунда сув
омборларида тўлиқ автомат-
лаштирилган тизим яратилди.

Булардан ташқари, ушбу мар-
каз фаолияти тизимдаги ГЭСлар
ҳамда сув омборлари жорий фао-
лиятини тўлиқ қамраб олган
рақамлаштириш жараёнини ўз
ичига олиб, электр энергия ишлаб

ЯНГИ ҚОНУН

шаҳарсозлик қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтиради

Улғбек РАХИМОВ,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасини такомиллаштириш ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширувчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги юзасидан қонунчиликнинг 25 мартда "Сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан, шаҳарсозлик қоидаларини бузиб, ноқонуний қурилиш олиб борган ёки хавфли ўзгаришлар қилган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига бинолар ва иншоотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, бир йилгача ахлоқ тузагиш ишлари ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳамда бундан ташқари маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қўп квартиралы уйлардаги таянч конструкцияларни қонунчиликни ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгариш ва (ёки) реконструкция қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, уч йилгача ахлоқ тузагиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга таъқиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажариш ёки аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига зид равишда (бош режаларда назарда тутилмаган) бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузагиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик

ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан, ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузагиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у қўп квартиралы уйлардаги таянч конструкцияларнинг амалга оширилган ўзгарилишини ёки уларни реконструкция қилиш туфайли йўл қўйилган бузилишларни, шунингдек, уларнинг оқибатларини ихтиёрий равишда бартараф этса, жавобгарликдан озод этилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, қонунда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш бўйича ҳам қатор бандлар белгиланган.

Хусусан, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузиш, шунингдек, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳамда йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан қасддан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик (бундан 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ҳамда икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олмagan ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектлари мустасно), фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари, мансабдор шахсларга эса етмиш баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари, мансабдор шахсларга эса бир юз эллик баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ берилмаган мажбурий кўрсатмаларни тўлиқ бажармаслик, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг қирк баравари, мансабдор шахсларга эса етмиш баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари, мансабдор шахсларга эса бир юз эллик баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бинокорлик материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузиш, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Булардан ташқари, қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари, мансабдор шахсларга эса бир юз эллик баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга таъқиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажариш ёки аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига зид равишда (бош режаларда назарда тутилмаган) бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуриш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса икки юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Объектларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳамда йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасиз қуриш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса икки юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Объектларни эксперт ташкилотларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларига доир ижобий хулосасисиз қуриш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари, мансабдор шахсларга эса бир юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари, мансабдор шахсларга эса бир юз эллик баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, янги Қонун юртимиз бунёдкорлик соҳасини янада тараққий эттишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, соҳа вакилларининг бош мақсади – барпо этилаётган бино ва иншоотларнинг зилзилабардорлиги таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик талабларига мувофиқ қурилишини доимий назорат қилишдан иборат.



Жорий йилда қанча электр энергияси ишлаб чиқарилди?

Мамлакатимиз аҳолисини электр ва иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти ўз фаолиятини белгиланган тартибда ва самарали ташкил этиб келди. Хусусан, АЖ томонидан 2025 йилнинг биринчи чораги давомида 7,7 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 100 фоизга бажарилди. Иссиқлик энергияси эса бажарилган 1,3 миллион Гкалл ўрнига 1,4 миллион Гкалл ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, АЖ томонидан 2025 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 17 та инвестиция лойиҳаси доирасида режа бўйича 701,9 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиши белгиланган эди. Бунда жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилиши белгиланган маблағ 53,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, амалда ишлар доирасида 138,5 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Булардан ташқари, ҳозирда "Тошкент шахрининг иссиқлик таъминоти сўнгги нуқталарида жойлашган 6 маҳаллада когенерация лойиҳаларини амалга ошириш" инвестиция лойиҳаси доирасида Сергели ва Юнусобод туманидаги 4-сон иссиқлик маркази ҳудудида 100 МВт қувватга эга газ-поршенли қурилма бунёд этилмоқда. Шунингдек, айни пайтда Толимаржон ИЭСда умумий қуввати 1065 МВт ва Навоий ИЭСда эса 650 МВт бўлган замонавий буғ газ қурилмаларини бунёд этиш ишлари ҳам давом эттириляпти.

Қолаверса, корхона олдида амалга оширилиши керак бўлган бир қатор муҳим вазифалар мавжуд. Улардан бири – маҳсулот таннархини пасайтириш масаласи бўлиб, шу мақсадда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг январь-март ойларида бугунги кунга қўрсаткич 410,8 миллиард сўмга пасайтирилиб, режа ортиги билан бажарилди.

Шу билан бирга, ҳозирга қадар маҳаллийлаштириш дастури доирасида 13,3 миллиард сўм қийматида маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, амалда ушбу кўрсаткич 14,2 миллиардга бажарилди. Маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқалари ҳисобига 2,5 миллион АҚШ доллари қийматида импортни оптималлаштириш прогноз қилинган бўлиб, амалда ушбу кўрсаткич 2,7 миллион АҚШ доллари ёки даврий прогноз 109 фоизни ташкил этди.

Ўз мухбиримиз.

◀ 1-бет

РЕНОВАЦИЯ ДАСТУРИ фаровонликка хизмат қилади

Айтиш керакки, республикамизнинг кўплаб ҳудудлари каби улкан мегаполислар қаторига қираётган Тошкент шаҳрида ҳам деворлари кўчиб, нураб бораётган уйлар кўплаб топилди. Ана шундай уйларда ҳам юртовларимиз яшаб келишмоқда. Уларнинг аксарияти ана шу уйларда туғилиб ўсиб, бугунги кунда фарзандларини ҳам вояга етказишяпти. Уйнинг кўриниши қандай бўлмасин, униб-ўсган тупроқ ҳамиша ватан бўлиб қолаверади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги департаменти бош мутахассиси Йўлдош Раҳматов мазкур ҳудудда бир қатор ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

– Ҳозирги пайтда пойтахт ҳудудидаги икки қаватли ёғоч уйлардан ташкил топган массивда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда, – деди у. – Ана шу ўрганишлар жараёнида аҳоли билан тушунтириш чора-тадбирлари ҳам бажариляпти. Ўрганиш ишлари олиб борилаётган уйлар 1969 йилда қурилган бўлиб, ҳозирда улар маънан эскирган.

Сўнгги 8 йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллионга кўпайди. Шу даврда ярим миллионга яқин хонадонлар барпо этилди. Жумладан, ўтган йили 100 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилган бўлса, бу йил 130 мингдан ортиқ хонадон қуриш режа қилинган. Яқин йилларда аҳолининг сони 40 миллионга етиши кутилаётгани инобатга олинса, бундай ўсишда йилга 140-150 минг хонадонга талаб пайдо бўлади. Бу эса ҳар йили қўшимча 2 минг гектар ер керак дегани. Бирок пойтахтда ер майдонлари чекланган. Бундай ҳолатда реновация дастури қўл келади.

9 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев



шаҳарсозлик реновациясининг ҳуқуқий асосларини белгилаш бўйича тақдирлар тақдиротида қайд этилишича, бугунги кунда республикада 17 мингта 2-3 қаватли эски уйлар мавжуд. Улардаги шароит, муҳит бугунги замонга муносиб эмас. Электр газ ва бошқа инфратузилмалар эскирган. Кўпларида оқова тармоғи ҳам йўқ. Уларнинг ўрнига замонавий уйлар қурилади.

зиргидан уч баробар кўп аҳоли жойлашади. Асосий хонадонларда янги коммуникация, иссиқ ва совуқ сув, оқова тармоғи бўлади. Одамлар озода, шинам ва файзли шароитларда яшайди. Бу орқали минглаб оилаларнинг турмуш даражаси ўсади. Мухими, улар ушбу шароитларни илб-бор ўзлари ўсиб улгайган жойда ҳис этишни бошлайди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улғбек туманидаги Навиҳол маҳалласида 1948-1965 йиллар оралиғида қурилган айни пайтда маънан эскирган замонавий шаҳар типига мос келмайдиган 19 та икки қаватли уйлар мавжуд эди. Худуд туман ҳокимлигининг ташаббуси билан реновация дастурига киритилиб, унинг дастлабки босқичида бир қаватли барак типидagi уйлар айни пайтда юзта хонадондан иборат замонавий турар жой мажмуаси кўринишига келтирилди.

– Ушбу маҳаллада 40 йилдан бери истиқомат қиламан. Бир неча йил аввал ҳам бу ерлардаги хонадонлар жуда ачинарли бўлган, – деди Ирода Жўраева. – Янги уйимизнинг ўрнида эски таъмирталаб, номига оқланган уйлар бўлган. Реновацияга тушган, замонавий уйлар барпо этилди. Газ, сув, свет, болалар майдончалари, кексаларга ҳордик чиқарадиган жойлар барпо этилиб, поликлиника, дўконлар, боғча ва мактаблар қад ростланди. Ҳозирги пайтда икки қаватли уйда мисол учун 16 та хонадонда оилалар яшайдиган бўлса, шу уйларни реновация қилиш дастури асосида 16 та уй барпо этиладиган бўлса, бу уйларда 100 та хонадонни жойлаштириш имкониятини амалда кўрди.

Масаланинг яна бир муҳим томони, энергия тежамкорлик. Турар жой ялғит бўлса инфратузилма тармоқлари кам сарфланади. Ҳозиргача бу борада ягона ҳужжат йўқ эди. Шу боис ҳоржий тажриба асосида "Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президент иштирокида ўтказилган тақдиротда реновация тизимининг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий томонлари кўриб чиқилди.

– Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг инсон қадрини сийқатининг узвий давоми ҳисобланади, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари Даврон Одилов. – Худудларда бундан 40-50 йил аввал қурилган маънан эскирган уйлар қўп. Шу сабаб уларни конструктив жиҳатдан қайта таъмирлашга имконият бўлмагани учун маҳалларда қўшимча янги ижтимоий инфратузилмага эга бўлган барча стандартларга мувофиқ келадиган, ёнғин, сейсмик, санитария томонидан хавфсиз уй-жойлар ва инфратузилма объектлари яратилади.

Бундай дастурлар уч босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган. Аввал шаҳар ва туманларда реновацияга мос ҳудуд танланиб, лойиҳа ишлаб чиқилади. Мулкдорларга янги уй ёки компенсациялар тақдиф қилинади. Барча мулкдорлар билан келишувлар яқкама-яқка ва реал тартибда тасдиқланади. Лойиҳалар учун ҳар бир ҳудудда реновация жамғармалари ташкил этилади. Иккинчи босқичда реновация дастури ҳудудий ва республика кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, қурилиш ташкилоти аниқланади. Учинчи босқичда уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилади.

Реновацияга тушган ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ҳам ошади. Янги уйларнинг биринчи, иккинчи қаватларида савдо, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқаришлар бўлади. Шунингдек, бу тизим орқали 20 минг гектар ер тежаланиши ҳисоб-китоб қилинган. Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларни, аввало, у ерда яшовчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва адолатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Бухоро вилояти

“ОНА УЙИ” она ва бола учун янги таянч нуқта

Зулфизар МАВЛОҒОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

– Фарзандимни дунёга келтирсам, маблағ етишмаслиги туфайли уни қандай парваришлаш муаммоси мени қийнади, – деди фуқаро Р. Э. – Иродасизлик қилиб, фарзандимдан воз кечишга қарор қилганимда, янги очилган “Она уйи” мен учун янги ҳаёт бағишлади. Давлатимизнинг эътибори туфайли мен каби ёрдамга муҳтож оналарга ғамхўрлик кўрсатилапти. Қолаверса, бу ерда хунар ўрганишим учун ҳам барча шароит яратиб берилгани бизга катта мадад бўлмоқда...

Дарҳақиқат, бугунги кунда жамиятимизнинг энг оғриқли нуқтасидан бири айтиш мумкин ҳисобланади. Саргардон оналари митти гўдақларнинг ҳаётга ташна нигоҳлари ҳар доим давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Яқиндан бошлаб шу мақсадда она ва бола саломатлигини назорат қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оналарга ёрдам кўрсатиш мақсадида мамлакатимизнинг турли вилоятларида “Она уйи” ресурс марказлари ташкил этилмоқда.

Хусусан, Бухоро вилоятида ҳам шу мақсадга йўналтирилган ижтимоий марказ иш бошлагани кўпга оналару болалар учун айтиш мумкин бўлди.

– Қозғоғистон Республикаси билан олиб борилган ишлар яхши самара берганини туфайли “Она уйи”нинг тўртинчи филиали Бухорода фаолият бошлади, – деди янги муассаса координатори Гулҳаё Абдурашидова. – “Она уйи” – ижтимоий етимликнинг олдини олиш, ҳеч бир бола онасидан айро ашмаслигини кўзлаган ҳолда ташкил этилди. Бу уйда 6 ойликдан 4 ёшгача фарзанди бор, оғир вазиятга тушиб қолган, қийинчиликка дуч келган ёки боласидан воз кечиш хавфи бўлган оналар қабул қилинади. Улар бошпана билан таъминланиб, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади. Бир пайтнинг ўзига 15 нафар аёлни боласи билан бирга қабул қилиш имкони мавжуд. Уларнинг ижтимоийлашуви кузатилади. Қизиқишларини ўрганган ҳолда касбий таълимга ҳам йўналтирилади. Шартнома муддати тугагунга қадар оналар ўзлари жамлаган маблағлари билан ҳаётларини қуриб олиш шароити яратиб берилди.

Таъкидланганидек, “Она уйи” ресурс маркази оналарга ўз фарзандларини оғир ҳаётли вазиятга ёки ўйлан-



маган хатти-харақат туфайли давлат интернат муассасасига топширишни эмас, балки ўзлари тарбиялаш имкониятини бериш орқали ёрдам кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Муассаса аёлларга 6 ойгача бўлган муддатга уй-жой, озиқ-овқат, тиббий хизмат, уй шароитларига максимал даражада яқинлаштирилган яшаш учун зарур бўлган барча хизматларни тақдир этиди. Васийликдаги шахслар билан мутахассислар ишлаб, уларга инқирозни енгиб ўтишга, ўз кучига ишоншига ва бола учун муносиб она бўлишга кўмак беради.

Шунингдек, лойиҳа доирасида “Она уйи”да яшовчи оналарни қасбга йўналтириш дастури ҳам амалга оширилмоқда. Лойиҳа ривожланиши билан тикувчилик цехларини очиб, турли мутахассисликлар бўйича ўқитиш режалаштирилган. Бу ерда бўлиб даврида аёллар жамиятга ижтимоийлашиши, касбий фаолиятда талабга эга бўлиши, ўзлари ва фарзандлари келажаги учун пул жамғаришлари мумкин.

Андижон вилояти

АҲОЛИНИНГ КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИБ...

Райҳона ХЎЖЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ёр майдонига нисбатан аҳолиси зич жойлашган Андижон вилоятида бугун катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Биргина “Янги Андижон” шаҳарчаси вилоятдаги бунёдкорлик ишлари кўламининг қай даражада эканлигининг яққол намунасидир. Замонавий ва шинам турар жойлар, бежирим таълим муассасалари ва бошқа кўпга қўрақам иншоотлар аҳолига қулайлик яратиши билан бир қаторда уларнинг фаровон яшашини ҳам таъминлапти.

Кўп қаватли уйлар эса доимий эътиборга, коммунал соҳа ходимлари тилида айтганда “меҳрга” муҳтож. Уларни ҳам вақти-вақти билан қўриқдан ўтказиб, таъмирлаб туриш керак. Шунда бу уй-жойлар ҳам кўп йиллар давомида халққа хизмат қилади. Бу борада вилоятдаги бошқарув компаниялари ҳозирга қадар ўзига яраша тажриба орттириб улгурди, десак муволафа бўлмайди. Андижон вилоятида фаолият юритиб келаётган “Шинам маҳалла” бошқарув сервис компанияси ҳам улардан бири.

Компанияда бу йил илк мартаба ташкил этилаётган “Энг яхши бошқарув органи” кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритиб, Республика босқичига йўл олган. Ҳўш, бу бошқарув сервис компаниясининг бошқалардан фарқи жихати нимада? Вилоят миқёсида тан олинишининг ўзи ҳам ҳазилкам гап эмас.

2021 йилда ташкил этилган “Шинам маҳалла” БСК Андижон шаҳридаги 134 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиш келмоқда. “Ейилма”, Ноидрабегим, “Соғлом авлод”, “Янги бустон” МФИ-ларда яшовчи 8600 нафар аҳолининг кўнглига йўл топиш, ҳар бирининг



муаммосини ҳал қилиш осон иш эмас. Аммо бу шарафли вазифани бугунги кунда компаниянинг 46 нафар меҳнаткаш ишчиси сидқидидан бажаряпти, десак хато бўлмайди.

Бошқарув компанияси аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш ҳамда обдонлаштириш ишларидан ташқари яна бир қатор қўшимча хизматларни ҳам таъминлайди. Булар – пайвандчилик, фаррошлик, уй-ўрғор ва техника жиҳозларини таъмирлаш хизматларидир. Қолаверса, яқинда қурилган янги новвой хона ҳам худуд аҳолисининг оғирини енгиб қилипти.

“Ш и н а м маҳалла” БСК бошқарув компанияси и я с и н и н г ўзига хос жиҳазларидан бири – жамоадагиларнинг ҳар бири ўз ишига алоҳида масъулият билан қарайди. Мана шу омил компаниянинг вилоятдаги бошқа турдошларидан ажратиб турувчи жиҳазлардан биридир. Қолаверса, электрик, сантехник ёки пайвандчи томонидан кўрсатилган хизмат йўл варағига мулк-

дор томонидан баҳоланади. Шу боис ҳам ҳар бир ишчи ўз касбига пухта ёндашиб, ишини сифатли бажаришга интилади. Худудда ўрнатилган махсус камералар орқали ҳар бир хизматчининг фаолияти кузатиб борилади. Бу ҳам ўз навбатида ходимларнинг масъулиятини ошириши шубҳасиз.

Булардан ташқари, меҳнатига муносиб рағбат сезган инсон касбини севиб, меҳр билан ишлайди. Буни яхши англаган компания раҳбарияти ҳар чоракда энг яхши ишчинини танлаб, уни рағбатлаштиришни йўлга қўйган. Бу тадбир орқали ҳар бир ходим ўз устида ишлаб, вазифасини тўлиқ бажариб, чоракнинг энг яхши ишчиси, деган номга сазовор бўлишга интилади. Ишчиларнинг маоши ўз вақтида тўланади, улар учун ошхона, ҳаммом, хожатхона ҳамда навбатчилар учун ётоқхоналар ҳам ташкил қилинган.

Бу борада ишчи-ходимларга компания тасарруфидоги газонокосилка, мо-



Хоразм вилояти

Сайёр қабул ташкил қилинди

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

Хонқа тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими биносида Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси масъул ходимлари, хусусан, Мурожатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бошлиғи Равшанбек Аллаберганов иштирокида сайёр қабул ташкил қилинди.

Сайёр қабулга келган аҳоли коммунал ва қурилиш соҳаларига оид ўзларини қизиқтирган ҳамда ечимини кутаётган муаммо ва масалалар бўйича мурожаат қилдилар.

– Хонқа туманининг Дўстлик маҳалласида яшайман, – деди мурожаатчи Мансурбек Абдуллаев. – Қабулда ўзимга тегишли бўлган объектни бўзиб, янгитдан замонавий типдаги бино қуришга рухсатнома олиш бўйича мурожаат қилдим. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси масъуллари бу масалани Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида қонуний тартибда ёрдам беришларини айтишди.



Шунингдек, қабул давомида қолган фуқароларнинг ҳам мурожаатлари тинчланиб, белгиланган тартибда рўйхатга олинди. Мавжуд муаммоларнинг аксарияти дахлдор ходимлар иштирокида жойида хал этилди ҳамда ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

Наманган вилояти

Маҳаллалар обод бўлмоқда

Мухиддин МАҒЗУМОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Учқўрғон туманидаги Ёрқинбойчек маҳалласида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мазкур худудда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида янги электр тармоқлари тортилиб, трансформатор пунктлари ўрнатилди ва ичимлик суви тармоғи янгиланди.



Айни пайтда “Жобирбек” МЧЖ томонидан 3 километр ички йўлларда ҳам асфальтлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бу каби ислохотлар аҳоли турмуш сифати яхшиланишига, қулайликлар орттиришига хизмат қилаётгани қувонарлидир.

Самарқанд вилояти

Янги уйларнинг калитлари топширилди

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Аҳолининг энг бирламчи эҳтиёжи уйли бўлишидир. Бу борада юртимизда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Кўп қаватли уйларни реновация асосида қуриш ҳам фуқароларни замонавий шароитларга эга бўлган уй-жойларда яшаш имкониятини кенгайтирмоқда.

Жомбой туманида илк бора ана шу тажриба асосида уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда бошланган реновация

асосида уй-жойларни қуриш лойиҳаси кенг қўламда давом этмоқда. Хусусан, туманда ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган эски типдаги, коммунал ша-

роитларга эга бўлмаган кўп хонадонли уй-жойларни реновация, реконструкция қилиш орқали ўрнига худудда кўп қаватли уй-жой қуриш, эски уй-жойларда қолган аҳолини янги уйларга қўчириш орқали уларни замонавий энергияга эга уй-жойлар билан таъминлашга эришилмоқда.

Тумандаги “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғинида илк бор реновация асосида уй-жойларни қуриш лойиҳаси амалга оширилиб, унга кўра аҳоли пункти худудда 80 та хонадондан иборат 5 қаватли уй қуриб битказилди. 1970 йилда қурилган эски типдаги уйда

яшовчи 20 та оилага эса янги уйларнинг калитлари топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Жомбой туманида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва худудни ўзгартиришга хизмат қилувчи мазкур реновация лойиҳаси биринчи тажриба саналади. Режага кўра, 2024–2028 йиллар оралиғида туманда ушбу лойиҳа доирасида Шодлик маҳалласида яна 8 та, Алишер Навоий номи маҳалласида эса 7 та, Гулистон маҳалласида 4 та кўп қаватли уйлар қурилиши белгиланиб, уларнинг аксарияти эски уйларда яшовчи фуқароларга топширилади.

топила, мотоцикл скутер ва дамас автоуловлари ҳамда бошқа асбоб-ускуналар яқин кўмакчи. Бошқарув компанияси жамоаси келажақда яна янги иш ўринларини яратиш, мебель таъмирлаш, пайвандлаш ва пишириқ пиширишга мўлжалланган цех очишни ҳамда энг асосийси, ўз биносини кенгайтириб, янгитдан қуришни режалаштирмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда биринчи навбатда, тадбиркор раҳбарнинг ишбилармонлиги ва узоқни кўра олиш қобилияти асқатмоқда. Буни жамоа ишчиларининг ҳар бири таъкидлади.

Компания раҳбари Авазбек Мансурхўжаев 1970 йилда туғилган. Мактабни олтин медал билан тамомлаб, Американинг Бостон шаҳридаги Урбан университетига коммунал хўжалиги йўналишида таълим олди. Ўзбекистонга келиб, малака оширгач, 1991 йилда ўша пайтдаги вилоят Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасида бош муҳандис сифатида иш бошлаб, 1999 йилда ўзи фаолият юритаётган худуд – “Ейилма” МФИдаги уйларда ширкат раиси ва маҳалла раиси сифатида ишлади.

– Айни шу йиллари ширкатлар ўрнида бошқарув компаниялари ташкил қилишга киришилган эди, – деди “Шинам маҳалла” БСК раҳбари Авазбек Мансурхўжаев. – Мен ҳам имкониятларимни чамалаб, ҳар тарафлама ўйлаб, ушбу БСКни ташкил қилганим. Тан олиш керак, бошда аҳоли кўникмиши анча қийин бўлди. Аммо ишимизнинг сифатини, хизматлар нархининг арзонлигини кўрган аҳоли охири бизни тан олди, бизга ишонди. Кейинроқ бошқа худудлардаги домларда яшайдиган аҳоли ҳам ўзлари хоҳлаб бизга қўшилди. Хорижга бориб, коммунал соҳадаги хизматлар ва компаниялар фаолиятини ўрганиб қайтганимиз ҳам ўзимизда бу борада янгиликларни кенг қўлашга ундади.

Компания фаолиятининг гуллаб-яшнаши ва аҳолининг ишончини қозониб, уларга сифатли хизмат кўрсатишда изланувчан раҳбар қаторида жамоадорларнинг ҳамжиҳатлигида қилаётган ҳаракатлари ҳам асқатмоқда. Хусусан, бўлим устаси Гулнора Рамазонава, сантехник Абдурахмон Мадрохимов, электрик Марат Муртаев, пайвандчи Мансурбек Тошбоев каби ходимларнинг хизматидан ҳамма мамнун.

Сирдарё вилояти

Ўз устида ишлаган киши ҳеч қачон ютқазмайди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсон ёшлиқда кўрган-билганларини ҳеч қачон унутолмас экан. Боёвутлик Шавкатжон Жўраев бугунги кунда Сирдарё вилоятидаги Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази директори вазифасида ишлайди. У шу даражада эришгунча кўпга синов ва машаққатли йўлларни босиб ўтишга тўғри келган. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам олдига қўйган мақсадига эришишга ҳаракат қилди.

У мактабни битиргач, Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кириб, устозларидан фанларини мукаммал ўзлаштирди. Амалиёт жараёнида фаол қатнашгача интилиди. Институт йўлнамаси асосида Гулистон тумани йўл хўжалигининг 346-йўл бўлимида иш бошлади.

Ўз устида ишлаган ва изланган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Фаолияти давомида оддий ишчидан бўлиб бошлиғи вазифасигача йўлни босиб ўтган ёш ходимнинг соҳала амалга оширган ишлари бир неча бор эътироф этилди. Ер усти транспорт тизими йўллари ва пидедалар ҳаракати йўналтирган лойиҳалари тажриба тарихида Жиззах вилоятининг Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой туманлари ва пойтахт вилоятининг Бўка, Бекобод каби туманларида қўланилди.

Обдонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб, эл-юрт фаровонлигини таъминлашга виждонан ёндашган кишининг илҳосмандлари ҳам кўп бўларкан. У ўз меҳнати туфайли худуддаги кўпга раҳбарларнинг назарига тушди.

2009 йилда ҳозир ўзи бошчилик қилаётган ташкилотда қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш бўйича 1-тоифали мутахассис вазифасида иш бошлади. Янги соҳада иш бошлаган Шавкатжон бу ерда ҳам ўз билимини намойиш этолди.

Тендер танлови асосида қуриладиган ҳар қандай кўринишдаги ин-

шоотлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилиши билан бир қаторда сифатли ва камхаржли, пойдеворидан тортиб, фойдаланишга тўлиқ топширилгунча қадар бажариладиган ишлари мустақкам, ҳар қандай табиий таъсирларга бардошли бўлиши лозим.

Қурилиш соҳасини янада ривожлантиришга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар туфайли Сирдарё вилоятидаги барча худудлар йилдан-йилга обод ва кўркамликка бурканмоқда. Ҳозирги кунда вилоят худудларида қад ростилаётган ҳар бир бино талаб даражасида бўлишини таъминлашда Шавкатжон Жўраев бошчилигидаги консалтинг марказининг ўзига яраша ўрни бор. Президентимизнинг соҳага йўналтирилган қарорлари ва бошқа қонуний талабига биноан, марказ томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ўтказиш платформаси орқали амалга оширилган ишлар якунланган йилда ҳам қутилган натижани берди.

Жумладан, вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида кўп хонадонли турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши баробарида, бир қатор ижтимоий соҳа объектилари қурилиб, таъмирланди ва реконструкция қилинди.

Қисқа қилиб айтганда, ишчан раҳбар етакчилигидаги жамоа 2025 йилда ҳам олдига қўйилган вазифаларини мукаммал бажаришни мақсад қилган.

“КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ”

истеъдодли ёшларнинг маҳоратини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда

Китоб инсоннинг фикр доирасини кенгайтириб, унга чексиз маънавий-руҳий озуқа беради. Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ҳам китобнинг ўрни бекиёс. Кўп китоб ўқиган инсонгина англик қилишга, бошқаларни ортидан эргаштиришга қодир.

“Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остида шартан олган V Республика “Китобхонлик ҳафталиги” республикамиз ҳудудларида қизғин руҳда бўлиб ўтмоқда. Ота-оналар, устоз-мураббийлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг тадбирга билдираётган қизиқишлари туфайли китобхонлик ҳафталигининг қамрови ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги “Дўстлик” канали бўйидаги дам олиш боғида ўтказилаётган тадбирнинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси вакиллари, кенг жамоатчилик иштирокида, мамлакатимизда китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ёшларни китоб ўқиш ва санъатга қизиқтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Китобхонлик тадбирида республикамиздаги олий таълим даргоҳлари талабалари билан бирга, Болалар мусика ва бадиий санъат мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчилари ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этишмоқда, – деди Ўзбекистон бадиий санъат академияси Қорақалпоғистон бўлимининг бош илмий котиби Аҳмет Хожамбергенов. – Ҳафталик доирасида ҳар хил тадбирлар ўтказилиб, ғолиблар махсус совринлар билан тақдирланди. Бу каби тадбирлар истеъдодли ёшларнинг маҳоратини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳафталик Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида бўлиб ўтати.

Навоий вилоятида “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида турли мазмундаги учрашувлар, давра суҳбатлари, китоб тақдимотлари, адабий ва муסיқий кечалар, Заковат ўйинлари каби тадбирлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ҳафталик доирасида А. Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида Қармана тумани ахборот-кутубхона маркази, 523-СЧР батальони, 20022-ҳарбий қисм, Қармана тумани ИИБ ва Навоий шаҳридаги 12-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остида “Амир Темур ворислари” мавзусида беллашув бўлиб ўтди. Беллашувда “Темурийлар”, “Адолат”, “Сохибқирон” жамоалари Сохибқирон босиб ўтган ҳаёт йўли, шажараси ва “Темур тузуқлари” асари юзасидан гуруҳларга бўлиниб, баҳслашди. Унда 523-СЧР батальонининг “Темурийлар” жамоаси ғолиб, деб топилди. Тадбир иштирокчилари эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, ҳафталик доирасида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими, Турон маҳалласининг фаол ижодкорлари, Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ва бошқа ижодкорлар ҳамкорлигида “Китобхонлик маданиятини юксалтириш” мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Анджон вилоятида бўлиб ўтаётган китобхонлик тадбирлари ҳам вилоят аҳдида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, Оптинкўл туманида ўткази-



лаётган тадбирларда китоб мутолааси борасида тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшлар фаол иштирок этишди. Тадбирларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш, мутолаа завқини ҳис қилиш тарғиб қилинмоқда.

– Бугун ижтимоий тармоқда хоҳлаган мавзунини топишимиз мумкин, – деди тадбир қатнашчиси Зулфия Орузалиева. – Бирок, мутахассисларнинг маълум қилишларича, босма нашр мутолааси электрон шаклга нисбатан 70 фоиз ортиқ таъсир кучига эга экан. Шу боис, китоб мутолаа қилиш интернетдан манфаатлироқдир.

Балиқчи туманида бўлиб ўтган тадбирларда эса китобхонларнинг ўзлари ўқиган китобдан олган таассуротлари тингланди. Шу билан бирга, уларга янги китоблар совға қилинди.

– Тадбир ҳақиқий байрамга айланиб кетди, – деди Зафарбек Отахонов. – Айниқса, шоирлар иштирокидаги тадбирда улар қаламига мансуб шеърлар ижросидаги қўшиқларни тинглаганимизда, бу шунчаки сатрлар эмас, балки, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган тарбия воситаси эканлигини англаб етдим. Шу боис, улар ижодида мансуб шеърини тўплашни бажонидил қабул қилдим. Уни ўқиб бўлгач, бошқаларга ҳам тавсия қиламан.

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтаётган китобхонлик ҳафталигининг очилиш маросимида ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари, ёзувчи ва шоирлар, ёш китобхонлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар. Вилоят ҳокими ўринбосари Шохруҳ Иса-

кулов қатнашчиларни китоб байрами билан қўллаб, бу каби оммавий тадбирлар аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни китобга ошно қилишда, китобхонлик, мутолаа билан тафаккурни янада юксалтиришда бекиёс аҳамиятга эгаллигини таъкидлади.

Арзонлаштирилган китоб-савдо ярмаркаси, шоир ва ёзувчилар билан мулоқотлар, турли интеллектуал викториналар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, вилоят “Мақом” ансамбли ижросида куй ва қўшиқлар янгради. Саҳна намойишлари, жумладан, вилоят муסיқали драма театри актёрлари ҳамда Халима Худойбердиева ижод мактаби ўқувчиларининг чиқиши тадбирга алоҳида мазмун бахш этди. Тадбир доирасида китобсавар ўқувчилар учун вилоят ахборот-кутубхона маркази бўйлаб саёхат ҳам ташкил этилди.

Самарқанд вилоятидаги Пушкин номи вилоят ахборот-кутубхона марказида катта тантана сифатида бошланган китобхонлик ҳафталиги қизғин руҳда давом этмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Қобилов, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, китобхонлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этиб, юртимизда китобхон ёшлар кўпайишига тилик билдиришди. Шоир ва ёзувчилар иштирокида ташкил этилаётган қизил китоб тадбирлари, китобхонлик мусобақалари ва мушоиралар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирапти.

“Китобхонлик ҳафталиги” юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ўз мухбирларимиз.



IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Эмүрдов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод
Жалолов**

Бош муҳаррир
ўринбосари **Райҳона
Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал
Маҳкамов**

Мусахҳих **Марҳамат
Муслимқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ туманидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жай коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бурутма – Г-441.
2047 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга
келган қўлғамалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
кайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни – 22.25.
Тошпириди – 23.00.

123456

ЛОЙИҲА ВА ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида
қурилиши режалаштирилган замонавий
меҳмонхона лойиҳаси учун
Бош лойиҳа ва Бош пудрат ташкилотларини
танлаб олиш бўйича**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар тақлифлари қабул қилинишини маълум қиламиз.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий тақлифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Шуни таъкидлаб ўтамоқчи, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширилишини инобатга олиб, тижорий тақлифларни тақдим қилишда пудрат ташкилотлари назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқланган умумий қийматдан чегирма беришлари, лойиҳа ташкилотлари эса лойиҳанинг дастлабки қийматидан маълум бир миқдорда фоиз кўринишида ўз тақлифларини беришлари лозим бўлади.

Тақлифлар 2025 йил 2 майга қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шох кўчаси, 7-“Б” уй манзилида АТ Ҳалқ банки бош офисида қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 90-618-53-53.
Электрон почта: Mehridin.Muhiddinov@xb.uz

“Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда
ўтказиладиган очиқ аукцион савдога тақлиф этади!**

Аукцион савдога Беруний тумани ободонлаштириш бошқармасининг 2025 йил 22 апрелдаги алоқа хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 АА 112 бўлган, капитал таъмирталаб ҳолатдаги “АОВЕКС” русумли экскаватор. **Бошланғич баҳоси – 5 100 000 сум.**

Аукцион савдо 2025 йил 12 май кунини соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” манзилида жойлашган “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали биносида ўтказилади.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). **Аризаларни қабул қилишнинг охириг муздати:** аукцион савдодан бир кун олдин, соат 18.00 тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулк билан шанба ва яқшанба кунларидан ташқари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмасор филиали МФО 0121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.

Тел.: 61-222-84-44.
Расмий сайтими: www.rmm.uz

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**2025 йил апрель ойининг 25-28 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими етакчи мутахассиси **Бобур Эшболтаев**, Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси бош мутахассиси **Бобуржон Омонов**, вазирлик иш юритувчиси **Сайёббек Турсунмуродов**, Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувидан фойдаланиш ва сотишни ҳамда оқова сувни чиқариш хизматларидан фойдаланишни назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Фаррух Худайров**, Ер ости сувларидан фойдаланишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Сардор Дадабаев**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Йиғма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассис **Зокир Мирбобоев**, Смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассиси **Асадбек Аҳмедов**, йиғма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассис **Дилафруз Батирова**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Стандартлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Зухра Облоқулова**,

“Qishloqquyilishloyiha” ДМ бош директори ўринбосари **Сапабек Сапаев**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бўлим бошлиғи **Шерзод Гулямов**, муҳандис-геолог **Умиджон Тошматов**, муковачи **Василий Исайкин**,

“Ўзоғирсаноатлоийиҳа” АЖ АСС-1 бош мутахассиси **Галина Яценко**, ВК бош мутахассиси **Светлана Случ**, СМО бош мутахассиси **Людмила Глухова**, ОВ катта муҳандиси **Мирзобит Мирқошипов**, ОРСК бош мутахассиси **Зулфия Тулпанова**, ЭТО муҳандиси **Баглан Естеуов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги вазирлиги қоровули **Жанибек Калбаев**, Бўзатов тумани қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бўлими уй-жай коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Қадирбай Реймов**, Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Рахат Қутиббаев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бош бошқармаси Хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлим етакчи мутахассиси **Жасурбек Турсунов**, Қоровулбозор тумани қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Илҳом Ҳақназаров**, Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Жасур Мухторов**,

Қашқадарё вилояти Қамаш тумани қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамшид Уралов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи **Умар Фозилов**, бош мутахассис **Сардор Муҳаммадқулов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи **Дилшод Рўзатов**, уй-жай коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Аброр Холбўтаев**,

Наманган вилояти Чортоқ тумани қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бўлими бош архитектору **Абдулазиз Тошпўлатов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош юрисконсулти **Аҳмаджон Эркўзиев**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бош-лиғи **Сафарбой Отажонов**,

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Дилроз Обод ПБК” МЧЖ бош директори **Дилдора Саидова**, Юнусобод туманидаги “Тео сервис таъмир” МЧЖ БСК бош директори **Ақбар Назаров**, Яшнобод туманидаги “Shinam Uy-Joy” МЧЖ БСК бош директори **Сарофроз Тожиёв**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Saramjon-Sarishta” уй-жай мулкдорлари ширкати бошлиғи **Хайрулла Милтиқбаев**,

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги Ватанпарвар маҳалласи уй-жай мулкдорлари ширкати (24 квартал, 29-уй) раиси **Мария Бычкова**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**